

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ ЎРНИ

*СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири Ш.А.Султонов,  
СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти Ф.С.Мустафоев*

**Аннотация:** Эркин иқтисодий зоналар, миллий иқтисодиётимизни рақобатбардош қобилиятини ошириб хорижий инвесторлар, бир қатор афзалликларга эга бўлиши билан, капитал қўйилмалар хажмини оширади. Шу орқали миллий иқтисодиётимизнинг ўсишига олиб келади. Ушбу илмий мақолада эркин иқтисодий зоналар ва тадбиркорлик қобилиятини ошириш масалалари баёт этилган.

**Калит сўзлар:** Эркин иқтисодий зона, инвестиция, инвестор, ишчи кучи, саноат зоналари, экспорт ва импорт.

Ҳозирги даврда саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда турли мақсадларни кўзлаб эркин иқтисодий зоналар ташкил этилмоқда. Эркин иқтисодий зоналарни давлат ҳудудининг муайян натижаларга эришиш мақсадида миллий ва хорижий тадбиркорлар учун иқтисодий фаолиятнинг преференциал шартлари, бошқарувнинг алоҳида режим ва бошқа ташкилий маъмурий тадбирлари жорий этиладиган қисми сифатида таърифлаш мумкин. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналар чегараларини кенгайтириш ва иқтисодий фаолият шартларининг ўзи билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлиб, бошқа хўжалик соҳалари, тармоқлари, ҳудудларга ёйиш лаёқатига эгадир. Уларда қўлланиладиган иқтисодий қоида, махсус маъмурий қонунлар, маълум юридик ва хўжалик режимдан батамом холи қилиб қўймасдан, балки уларни осонлаштиради, тадбиркорликни рағбатлантирадиган имтиёзларни яратади. Давлат ушбу зонанинг ўз аралашуви доирасини қисқартиради. Ривожланаётган мамлакатлар учун махсус иқтисодий зоналар ўзининг ҳудудий жиҳатидан бошқалардан қўйидаги хусусиятлари билан ажралиб туришини айтиб ўтишимиз даркор. Ишчи хизматчиларни турмуш даражасининг ишлаб чиқариш салоҳиятига мужассам жойлашганлиги билан ҳозир жаҳонда 3,5 мингдан зиёд ЭИЗ бўлиб, улар 140 тага яқин мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги ЭИЗларда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. доллардан зиёддир<sup>1</sup>.

Эркин иқтисодий зоналар ишлаб туришини таъминловчи хорижий инвесторлар бир қатор афзалликларга эга бўладилар: имтиёзли солиқлар, миллий бозорга кириш, кам унумли чиқимларни таъминлаш, шу жумладан, арзонроқ иш кучи ҳисобидан қоплаш, пасайтирилган фоиз ставкалари бўйича молиялаш имкони, ерга мулкчилик ҳуқуқи ва ҳоказолар<sup>2</sup>.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам эркин иқтисодий зоналар тузишдан мақсад илгари иқтисодий жиҳатдан қоқоқ бўлган туманларни ривожланаётган туманларга айланттириш бўлган. Давлат ҳудудида чет эл

<sup>1</sup> <http://www.uzdaily.uz/uz/post/1637>

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/3392861>

инвесторларини жалб қилиш, уларнинг фаолият кўрсатишлари учун қулай шароит яратиш йўли билан иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ҳам асосий мақсад ҳисобланади.

Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётни изчил ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, соҳада туб таркибий ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширишда ана шундай ҳудудлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақилликка эришгандан сўнг, Республикаимизда тадбиркорлик соҳасида улкан ишлар амалга оширилди, “Эркин иқтисодий зоналар” ташкил этилиши тадбиркорликнинг ривожланишига, инвестицион муҳитнинг яратилишига, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарилишига замин яратди. Бундай тадбиркорлик муҳитини яратишда, жаҳон тажрибасидан фойдаландик.

Ҳозирги кунда жаҳонда 4000 та эркин иқтисодий зона (400 та эркин савдо зонаси, яна шунча илмий-ишлаб чиқариш парки, 300 дан зиёд экспорт-ишлаб чиқариш парки, 100 та махсус йўналишдаги зона) фаолият кўрсатапти<sup>3</sup>.

Мустақиллик йилларидан ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда 16 та эркин иқтисодий зона – “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон”, “Ҳазорасп”, “Сирдарё”, фармацевтика соҳасига ихтисослашган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм”, “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналари, шунингдек, туризмга ихтисослашган “Чорвоқ” эркин туристик зонаси мавжуд бўлиб, улар мамлакатимиз иқтисодиётига, янги технологияли ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйиш, ҳудудларда замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон 2017 йил 07 февралдаги фармонлари мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берди. Бу эса ўз навбатида ҳудудларни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда эркин иқтисодий зоналар ҳиссасини ошириш, лойиҳа бўйича бошқариш тамойиллари асосида эркин иқтисодий зоналарда, кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда ушбу зоналар иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, маҳаллий хом-ашё ва материаллар асосида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича юқори технологияли замонавий корхоналар ташкил этиш керак эканлигини кўрсатди.

<sup>3</sup> <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/63216--erkin-iqtisodiy-zonalar-dunyo-tajribasi-va-uzbkistondagi-ahvol>.

Тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича энг қулай шароитлар яратиш, эркин иқтисодий зоналар, уларнинг жозибадорлиги ва уни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳамда унинг назарий асослари муҳим аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони вилоят иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим қадам бўлди. Мазкур янги эркин иқтисодий зоналарда Давлат мулки бўлган ва давлат улуши мавжуд хўжалик юритувчи жамиятларнинг ишлаб чиқариш майдонлари ва объектларидан самарали фойдаланиш керак эканлигини кўрсатди. Бунинг учун инвестицияларни фаол жалб қилиш, қулай шароитлар яратиш, рақобатбардош замонавий ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, уларни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этиш даркор. Ҳар бир ҳудудларда жойлаштиришни таъминлаш ва шу аснода ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратишни кўзлайди. Аҳолининг бандлик ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида янги ишлаб чиқариш қобилиятини аниқлаш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қашқадарё вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари” тўғрисида 2018 йил 29 мартдаги ПК-3635-сон қарори қабул қилинди. Қарорда Қашқадарё вилоятида давлат мулки бўлган ва давлат улуши мавжуд хўжалик юритувчи жамиятларнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектлари негизида ташкил этилаётган кичик саноат зоналарининг ҳудудидаги давлат кўчмас мулки тадбиркорлик субъектларига бизнес режаларни бажариш, иш ўринларини яратиш ва сақлаш, барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш шарти билан кейинчалик мулк ҳуқуқи берилган ҳолда 10 йиллик узоқ муддатга ижарага берилиши белгиланди. Шунингдек кичик саноат зоналари ҳудудидаги кўчмас давлат мулкидан ижара даврида фойдаланиш учун ижарага олинган майдонда амалга оширилаётган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда ортиб борадиган коэффициентни қўллагасдан ижара тўловининг энг кам ставкаси белгиланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрда Парламентга қилган мурожаатномасида 2019 йилни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” йили деб эълон қилиниши иқтисодиётни ривожлантириш инвестицион қуйилмаларнинг мантиқий давоми сифатида иқтисодиётимизни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши билан бекиёс аҳамият касб этди. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича янада қулай шароит ва имтиёзлар қўллаб-қувватлаш лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, бугунги кунда қўллаб-қувватлаш кичик саноат зоналари ташкил этилиши уйлаймизки мамлакат иқтисодиётига юқори таъсир ўтгазиш салоҳиятига эга.

Биринчидан: мамлакат иқтисодиёти ижобий ривожланишига олиб борадиган қобилиятнинг мавжудлиги;

Иккинчидан: мамлакт экспорт салоҳиятини тезкорлик билан рақобатбардош даражага кўтариши;

Учинчидан: аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни бартараф этишда бундай тадбиркорлик субъектлари давлат мустақил назорат ўрнатадиган дастак сифатида кўриниши;

Тўртинчидан: иқтисодиёт барқарорлиги, энг асосийси жаҳон ҳамжамиятида интеграциялашига, инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароитлар яратилишига, рақобатбардош замонавий ишлаб чиқаришлар кўпайиши;

Бешинчидан: жаҳон ҳалқаро бозорида инвесторларнинг ушбу худудларга хорижий валята қўйилмалари билан кириб келиши ва кизиқишининг ортишига олиб келади деб ўйлаймиз.

Албатта, эркин иқтисодий зоналарда корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилган алоҳида худудларда жойлаштиришни таъминлаш ва шу аснода ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг бандлик ва фаровонлик даражасига хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қашқадарё вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари” тўғрисида 2018 йил 29 мартдаги ПК-3635-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) сайти.

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон 2017 йил 07 февралдаги фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) сайти.

3. <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/63216--erkin-iqtisodiy-zonalar-dunyo-tajribasi-va-uzbkistondagi-ahvol>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) сайти.